

ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА МЕХНАТНАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

16 ИЛ ЧИҚИШИ.

№ 57 (4048).

21

МАРТ

ЖУМА

1969 ЙИЛ

Баҳоси 2 тийин.



УЛУҒ САНАНИ
МУНОСИБ СОВҒА-
ЛАР БИЛАН
КУТИБ ОЛАМИЗ

ЭКИШ БОШЛАНДИ

Бўстонлиқ районининг азамат меҳнатчилари бу йил қишлоқ хўжалигининг барча тармоқлари бўйича она-Ватанга қўлаб маҳсулот етказиб беришга аҳд қилдилар. Бу йилги қишлоқ жуда қаттиқ келишига қарамай, район сабзавоткорлари барвақт кўчат етиштиришга киришган эдилар. Мава низоҳат ерга кўчат қадайдиган пайт ҳам етиб келди. Районда сабзавот кўчатлари экиш бошланди.

— Биз биринчи бўлиб кўчат экишни бошладик, — дейди «Ленинград» колхозининг раиси Исмом Ирисбоев, — ўтган уч кун ичида колхозимизнинг миришкор сабзавотчилари ўн гектарга яқин ерга қарам, бодрий, редиска кўчатлари экиб қўйдилар.

Қўшни «Қизил ту», Фрунзе номли, Жданов номли колхозларда ҳам экиш қизғин тус олмади.

Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини муносиб меҳнат соғалари билан кутиб олишга беш боғлаган рай-он сабзавотчилари ҳар гектар ердан 170 центнердан ҳосил кўтариш юзасидан мажбурият қар-бул қилдилар. Улар ўз ваъдаларининг устидан чиқиш учун барча имкониятларни ишга солмоқдалар.

У. РАХИМОВ.

КАЛИНИН районидаги Собир Раҳимов номли колхоз аъзолари ўзларининг теплица комбинатида беш миллиондан ортиқ эртаги қарам ва помидор кўчатлари етиштирилди. Хўжалик сабзавоткорлари бу йил 14 минг тонна турли сабзавот маҳсулотлари етиштириб беришга аҳд қилдилар. Суратда: Ҳафиза Маҳмудова (ўнгда) қарам кўчатини ўқазмоқда.



ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МЕХНАТКАШЛАРИНИНГ 1969 ЙИЛГИ СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

Совет халқи КПСС XXII съезди қарорларини ҳаётага татбиқ этиш, жаҳонда биринчи социалистик давлатнинг асосини ва раҳбари В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини муносиб кутиб олиш учун фидокорона меҳнат қилмоқда.

Бу шарафли ишга Тошкент областининг қишлоқ хўжалиги меҳнатчилари ҳам ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўймоқдалар. Областининг қишлоқ хўжалиги ходимлари КПСС Марказий Комитетининг март (1965 йил), май (1966 йил) ва октябрь (1968 йил) Плениумлари белгилаб берган тадбирларни амалга ошира бормоқда, йил сайин далачилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришга, колхоз ва совхозларнинг эконимиксини мустаҳкамлашга, колхозчилар ва совхоз ишчиларининг турмуш фаровонлигини тагин ҳам яхшилашга эришиб келмоқдалар.

Об-ҳаво шароитлари мураккаб келган ўтган йилги об-ласт пахтакорлари давлатга 315,8 минг тонна пахта ет-казиб бердилар.

Бўна районининг деҳқонлари давлатга пахта сотиш йиллик планини 103,7 процент. Оқўрғон районининг деҳқонлари 101,2 процент, Юқори Чирчиқ районининг деҳқонлари 102,9 процент қилиб бажаришга эришдилар. Қўпчилик колхоз ва совхозлар, бригада ва звенолар фан ютуқлари ва илгирлар таърибасини ишлаб чиқаришга кенг жорий эта бормоқда, суғориладиган ерларнинг самарадорлигини ошира бормоқда, химиялаштириш воситалари, моддий-пул ресурсларидан оқилона фойдаланиб, пахтадан юқори ҳосил кўтаришга муваффақ бўлдилар.

Бўна районидagi «Гулистон», «Октябрь 40 йиллиги», «Жамбул номи, Оқўрғон районидagi Ҳамза номи, «Ле-нинград», «Гулистон», Свердлов номи, Ленин номи, «Коммунизм», Димитров номи, Юқори Чирчиқ районидagi «Политотдел», «Правда», Свердлов номи, «Ўзбекистон», Бекобод районидagi Ленин номи, «Победа», Ўрта Чирчиқ районидagi Охунб-боев номи, «Полярная звезда», Терешкова номи, Қўпчилик номи, «Партия XXII съезди» кол-хозлари 1968 йилда план топшириқларини муваффа-қиятли адо этдилар ва пахтадан юқори ҳосил кў-тардилар. Янгйўл районидagi «Партия XXI съезди», Жданов номи, Навоий номи, Калинин номи колхозлар давлатга пахта сотиш планини шараф билан бажарди-лар.

Қўпчилик комплекс механизациялашган звеноларнинг деҳқонлари ўз зиммаларига олган юксак социалистик мажбуриятларини шараф билан бажаришга муваффақ бўлдилар. Бўна районидagi «Гулистон» колхозидан ўр-тоқ У. Бойқўзиев бошлиқ звено 40 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 47,4 центнердан, Оқўрғон районидagi «Озод» колхозидан ўртоқ Т. Толипов бошлиқ звено 43 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 33 центнердан, Юқори Чир-чиқ районидagi «Политотдел» колхозидан ўртоқ Г. Ка-римов бошлиқ звено 79 гектар майдоннинг ҳар гектари-дан 38,7 центнердан, Оқўрғондagi С. Сегибозов номи колхоздан ўртоқ С. Абдуқаримов бошлиқ звено 55 гек-

тар майдоннинг ҳар гектаридан 33 центнердан «оқ ол-тин» ҳосили кўтаришга муваффақ бўлди.

Пахта териш машиналарининг механизациядорчили-ри аниқ муваффақиятларга эришдилар. Дондор механиз-аторлар Турсуной Охунбаева, Валентина Тюпки, Янавод Кў-чиев изидан бораётган «зангори дема» капитанлари меҳ-натда қаттиқ қарамонлиқ намуналарини кўрсатмоқда-лар. Уларнинг қўпчилиги ўтган йилги мавсумда 130—150 тоннадан «оқ олтин» териб олди. Бундай меҳнате-сар механизаторлар орасида Бўна районидagi «Гулис-тон» колхозидан Р. Раҳмонов, Юқори Чирчиқ районидagi Свердлов номи колхоздан Э. Сарсенбоев, Оқўрғон районидagi Ленин орденли «Ўзбекистон ССР беш йилли-ги» совхоздан И. Хорачих, Бўна районидagi 1-«Пис-кент» совхоздан Э. Оқбоев, Бекобод районидagi 1-«Дал-варин» совхоздан И. Абдураҳмонов сингари ўртоқлар ани шулар жумласидандир.

Илгор хўжаликлари, комплекс механизациялашган бри-гада ва звенолар етиштирилган ҳосилнинг деярли ҳамма-сини фақат машиналар билан йиғиштириб олишга эриш-моқдалар.

Област қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқлари ҳам тобора юксалтирилмоқда. Галлакорлар ўтган йилги дон етиштиришни аниқ оширдилар ва давлатга галла сотиш планини 203 процент, шу жумладан шол сотиш планини 134 процент қилиб бажардилар. Бу соҳада зиммага оли-ган социалистик мажбурият ортиги билан адо этилди. Област галлакорларининг бу катта ютуғида Ўрта Чир-чиқ, Юқори Чирчиқ, Бўна ва Бекобод районлари деҳқон-ларининг муносиб ҳиссаси бор.

Ўтган йилги об-ласт дуборлари давлатга 271,7 минг тонна қаноп поёси етказиб бериб, йиллик планни шараф билан бажардилар.

Област колхоз ва совхозлари давлатга сабзавот, нар-тошка ва полиз экинлари маҳсулотлари сотиш планла-рини тўла адо этдилар. Умум тайёрлаш, йиллик плани ҳам бажарилиди.

Калинин районидagi «Ўзбекистон ССР 40 йиллиги», «Ленин йили», Оржоникидзе районидagi «Правда», «Ма-даният» колхозлари ва кўпгина бригада ҳамда звенолар сабзавот экинларидан йил сайин мўл ҳосил олиб кел-моқдалар.

Област колхоз ва совхозларининг чорвадорлари е-машақ базасини мустаҳкамлаш ва чорва маҳсулдорлиги-ни тобора оширишга муваффақ бўлмоқдалар. Шунинг натижасида улар 1968 йилда давлатга ҳамма турдаги маҳсулотларини сотиш бўйича берилган планларини ор-тин билан адо этдилар. Ҳар бир бош ситирдан соғиб-оли-ган сут ўрта ҳисобда 1843 килограммини ташкил этди. Қўпчилик хўжаликлари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони А. И. Чудянининг юзлаб издошлари сут етиштиришни кескин кўпайтиришга эришмоқдалар.

Областда сув хўжалиги қурилиши бўйича катта ишлар амалга оширилмоқда, капитал маблағларнинг самарадор-

лиги тобора оширилмоқда, бу мақсад учун колхозлар-нинг маблағларини ажратиб кўпайтирилмоқда. Бўна, Бе-кобод ва Ўрта Чирчиқ районларида янгидан катта-катта майдонлар ўзлаштирилмоқда.

Ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш ва напшта-лаштиришга қилиб юзасидан зарур ишлар амалга оши-рилмоқда. Ўтган йилги янгидан 3800 гектар ер ўзлашти-рилди ва қишлоқ хўжалиги оборотида киритилди.

Эришлган муваффақиятлар — колхозчилар, совхоз ишчилари, қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги мутахас-сислари қилаётган, фидокорона меҳнатнинг, партия ва ҳукуматимиз қишлоқ хўжалигининг иқтисодий базасини тагин ҳам мустаҳкамлаш, колхоз ва совхозлар меҳнат-чиларининг моддий манфаатдорликлари янада оши-риш тўғрисида қилаётган оталарча ғамхўрликларининг ёр-рини самарасидир.

Шу билан бир қаторда об-ластда кўпгина дамчиликлар ва фойдаланилмай ётган резервлар ҳам мавжуд. Ўтган йилги 4 район, 33 колхоз ва 10 совхоз давлатга пахта со-тиш планини бажара олмади. Умуман об-ласт бўйича давлатга мўлжалданган 8100 тонна кам пахта етказиб берилиди.

Областдаги 46 та колхоз ва совхозда ҳар гектар май-дондан ўртача об-ласт даражасидан ҳам кам ҳосил етиштирилди, 12 та хўжаликда эса ҳар гектар майдон-дан 20 центнердан кам пахта ҳосили олинди.

Биринчи хўжаликлар галла, маккажўхори, шол, саб-завот, картошка, беда ва бошқа экинлардан паст ҳосил етиштирилди. Бу хўжаликларда қишлоқ хўжалиги экин-ларининг ҳосилдорлиги оширилса, пахта, галла, сабзавот ва бошқа маҳсулотлар етиштиришни, аниқ кўпайтириш имконияти туғилди.

Айрим колхозларда маҳаллий ва минерал ўғитлардан, қишлоқ хўжалиги техникасидан самарали фойдаланилма-япти, ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш, алмаш-лаб экинни жорий этиш ва деҳқончилик маданиятини юк-салтириш юзасидан олиб борилаётган ишлар талабга тў-ла жавоб бера олмади. Йилчиликсини ривожлантириш соҳасида қилинаётган ишларни ҳам қониқарли деб бў-лмайди.

Қўпчилик хўжаликларида чорвачилик ҳамон рентабел-сиз тармоқ бўлиб қолмоқда. Жамоат чорва молларининг туёқ сонини кўпайтириш ва уларнинг маҳсулдорлигини ошириш сўт ривожланмоқда, молларнинг наслини яхши-лашга қўпчилик ишлар талабга тўла жавоб бера-мапти. Ҳамма хўжаликларда ҳам чорва моллари учун мустаҳкам ем-хашак базаси қозирланяпти, деб бўлмайди. Чорвачиликдаги сермахат ишларни механизациялашти-риш иши сўт олиб бориляпти. Чорвачилик тармоқлари-ни ихтисослаштириш юзасидан қилинаётган ишлар қони-қарсиз бажарилаётган.

Тошкент областининг қишлоқ хўжалиги меҳнатнаш-лари доҳийми В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги шарафига умумхалқ социалистик мусобақасига қўшилиб, 1969 йил учун ўз зиммаларига қуйидаги социалистик мажбуриятларни олдилар.

1. 356 минг тонна пахта етиштириб, давлатга топши-раш. Бу мажбуриятни шараф билан бажариш йўлида бутун куч ва имкониятларини, билим ва маҳорати-мизни ишга солаш. Ерларни ва барча қишлоқ хўжали-ги техникасини ўз вақтида юқори сифатли қилиб экиш мавсумига тайёрлаб қўлиш. Чигит экинни аниқ кулай аг-ротехника муддатларида ўтказамиз, бўзани парвариш қи-лишга доир агротехника тадбирларининг ҳаммасини ҳар бир пайналининг оби-тобига қараб, кулай муддатларга ба-жаришга эришамиз. Пахта ҳосилдорлигини ошириш ва ҳар гектар майдондан ўрта ҳисобда 25,5 центнердан «оқ олтин» етиштирилишини таъминлаймиз.

Кўчат қалинлиги ҳар гектар майдонда камиди 90—100 минг туп бўлишга эришамиз. Бегона ўтларни йўқотиш мақсадида 10 минг гектар пахта майдониди гербицид-лардан фойдаланамиз.

Ўзга парвариш ва пахта йиғим-терими билан боғлиқ бўлган ишларни кенг кўламда комплекс механизацияла-штириш ва қўл меҳнатини кескин қисқартиришга эриша-миз. Пахта териш машиналари билан камиди 220 минг тонна «оқ олтин» териб оламиз.

2. Алмашлаб экиннинг муҳим аҳамиятини ҳисобга олиб, бу йил бедополларини 47 минг гектарга етказамиз, шу жумладан 12 минг гектар майдонга янгидан беда эки-миз. Бу экинни намунали парвариш қилиб, 1970 йилги экин мавсуми учун етарли уруғлик фонди жамғарамиз.

3. 282 минг тонна қаноп поёси етиштириб, давлатга сотамиз. 1000 тонна қаноп уруғи етиштирамиз.

4. 180 минг тонна дон, шу жумладан 39 минг тонна шол ва 16 минг тонна маккажўхори дони етиштирамиз.

Дон экинларининг ҳосилдорлигини ўртача 17,7 цент-нерга, шол ҳосилдорлигини 35 центнерга, шу жумладан инженерлик усулида тайёрланган шол майдонларининг ҳосилдорлигини 40 центнерга, маккажўхори дони ҳосил-дорлигини 35 центнерга етказамиз. Давлатга 89 минг тонна дон, шу жумладан 18,9 минг тонна шол сотамиз.

5. Област аҳолисини сабзавот, картошка, мева ва узум билан етарли миқдорда таъминлашнинг муҳим аҳамия-тини ҳисобга олиб, 241 минг тонна сабзавот, 65 минг тонна картошка, 80 минг тонна полиз экинлари маҳсу-лотлари, 42 минг тонна мева, 52 минг тонна узум етиш-тирамиз. Ҳар гектар майдондан олинадиган сабзавот ҳо-силини 160 центнерга, картошка ҳосилини 105 центнер-га, полиз экинлари ҳосилини 180 центнерга; мева ҳо-силни 50 центнерга, узум ҳосилини 75 центнерга етказ-амиз.

Давлатга 200 минг тонна сабзавот, 34,2 минг тонна картошка, 68,5 минг тонна полиз экинлари маҳсулотлари, 29,4 минг тонна мева ва 43,5 минг тонна узум сотамиз.

(Давоми 2-бетда).



Суратда: Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари, космонавт-учувчилар Е. В. Хрунов ва А. С. Елисеев ўртоқлар.

КОСМОНАВТЛАР ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

Тошкентда меҳмон бўлиб турган космонавт учувчилар Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари Е. В. Хрунов билан А. С. Ели-сеевни 20 мартда КПСС Мар-казий Комитети Сўсий Бюро-си аъзолигида кандидат, Ўзе-бекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секрета-ри Ш. Р. Рашидов қабул қи-лди. Қабул маросимида Ўзбеки-стон Компартияси Марказий Ко-митетининг иккинчи секретари В. Г. Ломоносов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Коми-тетининг секретарлари Н. М. Ма-чонов, Р. Н. Нишонов, Ўз-бекистон комсомолы марказий комитетининг биринчи секре-тари Р. Ҳ. Абдулаева ҳам ҳо-зир бўлдилар.

(ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ГАЗЕТАЛАРИ — «ТОШКЕНТ
ҲАҚИКАТИ» БИЛАН «ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА»НИНГ
БИР ГРУППА ХОДИМЛАРИГА «ЎЗБЕКИСТОН ССРДА
ХИЗМАТ КЎРСАТГАН МАДАНИЙ ХОДИМИ» ФАХРИЙ
УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Кўп йиллар ва самарали ишлаганили, республика матбуоти-ни ривожлантиришда катта хизматлари учун қуйидагиларга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданий ходими» Фах-рий унвони берилсин:

МАХКАМОВ Салим — «Тошкент ҳақиқати» газета ре-дакцияси қишлоқ хўжалиги бўлимининг мудири.

СИРОТКИН Трофим Миронович — «Ташкентская правда» газе-та редакцияси пропаганда бўлимининг мудири.

СТАЖИЛОВ Анатолий Леонтьевич — «Ташкентская правда» газетасининг редактори.

ХАЛИЛОВ Босит — «Тошкент ҳақиқати» газетасининг ўз мухбири.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Е. НАСРИДДИНОВА.
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Р. САХИБОВЕВ.
1969 йил, 20 март.
Тошкент шаҳри.

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА АРИҚ-ЗОВУР ВА КОЛЛЕКТОР-ДРЕНАЖ ТАРМОҚЛАРИНИ ТОЗАЛАШНИНГ БОРИШИ ҲАҚИДА 20 МАРТГАЧА БЎЛГАН

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент
ҳисобда)

Ўрта Чирчиқ — 44,6; Кали-нин — 31,5; Бекобод — 30;
Бўна — 27,2; Янгйўл — 24,5;
Юқори Чирчиқ — 20,6; Оқўр-ғон — 14,9; Оржоникидзе —
10,1; Бўстонлиқ — 0.

БИЛДИРИШ

Тошкент об-ласт иқроия коми-тети об-ласт Совети депутатлари-га маълум қиладини, 1969 йил 28 мартда эрта билан соат 11 да Ўз-бекистон КП об-ласт комитетининг мажлис залиди (Хоразм кўча-си, 51-уй) меҳнаткашлар депутат-лари Тошкент об-ласт Советининг XII қақирни I сессияси бўлади.

Меҳнаткашлар депутатлари об-ласт Совети иқроия комитети сессия кун тартибига қўриб чиқиш учун қуйидаги масалаларни қўйди:

1. Ташкилий масалалар.
2. Област Совети XII қақир-ининг депутатликка номзодлари билан ўтказилган учрашувда сай-ловчилар томонидан берилган на-казларни бажариш тадбирлари тўғрисида.

МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУ-ТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕ-ТИНИНГ ИҚРОИЯ КОМИ-ТЕТИ.

(Боши биринчи бетда)

10. Моддий-техника базисини янада мустаҳкамлаш, колхозчилар ва совхоз ишчиларининг маданий турмуш шароитларини тагин ҳам яхшилаш мақсадида ишлаб чиқарин объектлари, тулар-ий ва маданий-маиший бинолар қурилиш лавларининг сўзсиз бажарилишини таъминлавиш.

Ўз имониатларимизни ҳисоблаб чиқиб, ҳар бир районда куйидаги кўрсаткичларга эришини мажбуриятини оламиш.

Хар бир бош сигирдан ўрта ҳисобда 1610 килограммдан сўт соғиб оламиз, ҳар бир бош қўйдан 2.2 килограммдан жун ва ҳар бир туювдан 75 тадан туҳум оламиз. Ёшга топириладиган ҳар бир бош қорамолнинг ўртача тирик вазини 280 килограммга, қўннинг вазини 42 килограммга ва чўчқаларнинг вазини 105 килограммга етказамиз.

мевани 1000 тоннага, узумни 300 тоннага етказамиз. Давлатга 9 минг тонна дон, шу жумладан 4500 тонна шоли, 4600 тонна сабзавот, 500 тонна картошка, 6800 тонна полиз маҳсулотлари, 500 тонна мева, 200 тонна узум

Давлатга 126 минг тонна каноп пояси етказиб бера-
миз.

140 гектар янги ер ўлаштириб, қишлоқ хўжалиги
оборотиغا киритамиз, 200 гектар ернинг мелiorатив ҳо-
латини яхшилаймиз ва 600 гектар экин майдонини қа-
пал планировка қиламиз.

1000 тонна суу 20 миллион 300 миң дона тухум, 12 тонна жуму еттигирэмиз. Давлатра ҳамма категориядаги ҳаққонликлар бўйича 1650 тонна тўш, 5700 тонна суу, 21 миллион 500 миң дона тухум, 31 тонна жум, 119 тонна пилла сотамиз.

Ҳар бир бош сигирдан ўрта ҳисобда 2250 килограммдан суу соғиб оламиз, ҳар бир бош қўйдан 1,5 килограммдан жум ва ҳар бир говуздан 147 тадан тухум оламиз.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг 1960 йилдан бошлаб пахтанинг ҳарид нархларини 13 процента ошириш тўғрисида қабул қилинган қарорига жавобан, биз хоҳдозилар, совхоз шичилари ва қишлоқ хўжалиги мутахассислари оталарча ғамхўрликларни учун партия ва ҳукуматимизга қизғин миннатдорчилик ва ҳорат ва эмгакимизга олган соғиналиқни маъруфий-латарлигимизга шараф билан бағишлай, мамлакатимизда коммунизм қурилишдаги умумхалқ ишига ўзимизнинг муносиб ҳиссамизни қўшиб учун астойдил ҳаракат қиламиз.

**МАМАКАТЛАР
ОДАМЛАР
ВОКЕАЛАР**

АФРИКА ВА ЕВРОПА КАСАБА СОЮЗЛАРИ- НИНГ АНЖУМАНИ

КОНАКРИ, 19 марг.
(ТАСС). Африка ва Европа ка-
саба соъзолари бирдамлиги ма-
лаҳат конференциясининг тай-
танали очилиш маросимда жа-
ҳон касба соъзолари федера-
цияси бош секретарининг ўри-
босари Пьер Жаусу бундай де-
ди: мустамлақачилик ва импе-
риализм курашиш тўғрисида
йўқ, балки кураш шакллари
ўзгартирмайди. ҳолос. Европа
ва мустамлака муаммалари
ишчиларнинг муамлақачи-
ликлари ва эксплуатация қилини
бирдамликда кураш айтиналари
борлигини кўрсатиб, у ҳар икка-
ла қитъа ишчилар синфий ўз-
сафларини бирлаштиришга қа-
қирди.

Умум Африка касба союзулар федерациясининг раиси Махжуб Бин Сиддик конференцияда сузлаган нутқида, Тошкентдаги африка касба союзулар махаллий ардоқлигини бартараф эттишда Африка касба союзулари етуклигининг янги босқичини бошлаб беради, деб таъкидлади. Унинг фикрича, бу конференция Африка касба союзулар ташкиотининг африка касба союзуларига ҳам куч қўшулади, меҳнатшашинларни халқро бирдамлигини мустаҳкамлай олади.

Нахон касба союзулари федерацияси билан умум Африка касба союзулари федерацияси ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш йўлида ўтказилган ортиқ мамлакат касба союзуларининг вакиллари қатнашмоқда.

ШИ ЖИНОЯТ

ШИ ЖИНОЯТ

Жанубий Африка Республикасининг хукумати озодлик учун курашчилардан суд ҳақи билан яна уч олинга тайёргарлик кураётганлигини махсус комитет Вирлашган Миллатлар Таъшиқотида дағдага қилиш деб, иркий можорани тағин ҳам қучатиришга олиб боруви ҳим куч деб ҳисоблайди. Бу чора Апартеид сисъатининг инсониятга қарши жиноят эканлигини яна бир қарра исботлайди.

АПАРТЕИД — ИНСОНИЯТГА

Исроилнинг янги ҳукумати

НЬЮ-ЙОРК, (ТАСС). Ассошиейтед пресс агентлитининг мухбири Куддусдан хабар беради. Исроил парламенти Голда Меир тузган ҳукуматнинг саставини маъқуллади.

Янги ҳукуматда мудофаа министриги лавозимини яна Моше Даян, ташқи ишлар министри лавозимини эса Абба Эбан эгаллади.

Редактор А. ИСМОИЛОВ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

та академик театрининг
НИНГ 23—31 МАРТГАЧА

МАРВАРИД КҲУНДУЗ ВА КЕЧ-
ИШ ҚИЛАДИГАН
ПЛАНИНГ

А ПЛАНИ

КЕЧҚУРУН
ТРАВИАТА.

МАРВАРИД КИДИРУВЧИЛАР.
СПАРТАК.
КОРСАР.
РИГОЛЕТТО.
ОКУШУ ҚУЛИ.
СЕВИЛИА САРТАРОШИ.
ШОИР ҚАЛИБ
(рус тилида).
ТРУБАДУР.
КҲУНДУЗ СОАТ 12 да, кечки спектакл-
ларинун эъланқалар қабул қилинади.

Я. М. СВЕРДЛОВ НОМЛИ
КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

23 МАРТДА
7—10 синф мактаб ўқувчилари учун музикали лекторий абонементи № 2.
В. И. ЛЕНИН ТУФИЛГАН
КУННИНГ 100 ЙИЛЛИГИ
ОЛДИДАН
Адабий-музикали композиция
«ОЛТИН САҲИФАЛАР»
Бадийий сўз устаси, Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган

Муҳсин ҲАМИДОВ
иҷро этади
Томоша кундуз соат 2 д
бошланиди.

Абонементлардан ташқар билетлар концерт зали насса сида кундуз соат 12 дан соти лади.

Лаъли
ИКРОВАНИНГ
вафот этганлиги муносабат
билан чуқур таъзия билдирадиган

Комитети бирлашган нашриётнинг
шкент шаҳри.

— 6469. P. 11054.